



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 37 (10.090)

2004 ЙИЛ 24 ФЕВРАЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида ишбилармонлар ва тадбиркорлар ўртасида ташкил этилган «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетида «Халқаро муносабатлар соҳасидаги бўлажак мутахассиснинг касбий шаклланиши» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

● **МИНТАҚАВИЙ** банк ўқув маркази қошида банк соҳаси сирларини ёшларга пухта ўргатиш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди.

● **АВИАСОЗЛАР** маданият саройида ўтказилган тадбир «Қишни кузатиш байрами» деб номланди. Тадбир давомида иқтидорли болажонлар томонидан тайёрланган ўйинчоқлар кўрғазмаси намойиш этилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатасида уюштирилган йиғилиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масаласига бағишланди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманида аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги, Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг туман бўлими ҳамкорликларида бўш ишчи ўринлари йрмаркаси ташкил этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий университетида шоирлар, адиллар ҳамда талабалар иштирокида уюштирилган тадбир «Ғазалхон ёшлигим» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат техника университети қошидаги академик лицейда уюштирилган замонавий технологияларни таълим соҳасига жорий этиш масалаларига бағишланган тадбирда ўрта махсус касб-хунар таълими тизими муассасалари ўқитувчилари иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Тадбиркор аёллар уюшмасининг Собир Раҳимов туман бўлими фаолият бошлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ПРЕЗИДЕНТЛАР МУЛОҚОТИ



Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан Польша Республикаси Президенти Александер Квасневский рафиқаси билан 21 февраль кунни Тошкентда тўхтаб ўтди. Яқиндагина таъмирдан чиққан «Тошкент-2» аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Шу ернинг ўзида икки мамлакат Президентларининг музокараси бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Александер Квасневский Ўзбекистон-Польша муносабатларига оид долзарб масалалар, томонларни қизиқтирган қатор халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашди.

Президент А.Квасневский 2002 йил октябрда мамлакатимизга ташириқ буюрганида Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги муносабатларни инфодаловчи қўлбал хужжатлар имзоланган эди. Бу хужжатлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан бирга, турли иллатларга қарши баҳамжиҳат курашиш учун ҳам мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг 2003 йил июль ойида Польшага расмий сафари ўзаро муносабатларни яна бир бор олий даражада таҳлил этиш, истикболни белгилаш учун қулай имконият яратди. Ташириқ давомида иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Натияжада 2003 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳамми уч баравардан кўпроқ ошди.

Президент А.Квасневскийнинг бу галги қисқа муддатли таширифи чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилари экан, икки томонда ҳам ҳали кўпгина имкониятлар ишга солинаётгани таъкидланди. Президентлар бу боралда тегишли ташкилотларга зарур топшириқлар беришга, ишбилармонларнинг ўзаро бевосита мулоқотини янада кенгроқ рағбатлантиришга келишиб олдилар.

Икки мамлакат раҳбарлари мулоқот қисқа бўлганига қарамай, жуда самарали кечганини алоҳида таъкидлади. Ушбу учрашувнинг яна бир жиҳати эътибор қаратиш жоиз. А.Квасневскийнинг Тошкентда тўхтаб ўтиши мамлакатларимиз ўзаро муносабатларни нечоғли қадрлашдан, ҳамкорликни ривожлантиришга интилишдан, Президентларнинг самимий дўстлигидан далолатдир. Мазкур мулоқот Ўзбекистоннинг Европа ва Осиё ўртасидаги ўзига хос ишончли кўприк вазифасини бажариши ҳақидаги фикрлар қанчалар асосли эканини, мамлакатимизнинг нуфузи халқаро майдонда тобора кенгроқ эътироф этилаётганини ҳам тасдиқлайди.

Польша раҳбари Президент Ислам Каримовнинг тақлиф ва кўрсатмалари асосида таъмирланиб, янада жонивдор ва муҳташам бўлган «Тошкент-2» аэропортининг илк меҳмони бўлди.

Юртбошимиз мажмуанинг ҳар бир безаги ва ишловини диққат билан кўздан кечирди. Мазкур мажмуа юксак мартабали меҳмонларни кутиб олиш, турли форматдаги учрашувлар, матбуот анжуманлари ўтказиш учун мўлжалланган.

— Бу даргоҳ мамлакатимиз остоналаридан биридир. Бу ерга қалам қўйган ҳар бир меҳмон Ўзбекистон ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиши, юртимизга хос миллий руҳни ҳис этиши керак, — деди Ислам Каримов.

Қатта зал тўридаги деворга юртимизнинг тарихи, буғуни ва келажagini акс эттирувчи улкан панно ишланган. Президент таъбири билан айтганда, унинг марказидаги Хумо қуши миллилатимиз бахти ва иқболнинг тимсоли, очик эшиклар тасвири эса Ўзбекистон дунё учун очиклигига ишоралар.

Мамлакатимиз раҳбари аэропорт ишини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

(ЎЗА)

ХУШСАГОСИ

Барча мавбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Кенгаши ва бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

● «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган янги республика кўрик-танлови «Энг ибратли йигит» деб номланди. «Экосан» жамғармасида бўлиб ўтган учрашув янги танловни ташкил этиш масалаларига бағишланди.

● Нукус туманидаги Киронтов қабридан 10 миллион тонналик заҳирага эга глауканит кони топилди. Мутахассисларнинг фикрича, бу маъдан бемалол минерал ўғит ўрнини боса олади.

● Республика олимпия заҳиралари коллежиде спорт тайёрлов йўналиши ўқув муассасаларида спорт фаолияти ва ўқув жараёнини такомиллаштириш ҳамда хўжалик ишларини мувофиқлаштиришга бағишланган амалий-услубий семинар бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳридаги «Сўғдийна» спорт саройида баскетбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур мусобақалари якунланди.

Жаҳонда

● Латвия Президенти Вайра Вике-Фрейберга «яшиллар» ва деҳқонлар Уюшмаси парламент фракцияси раисининг ўринбосари Индулис Эмсинос янги бош вазир этиб тайинлади.

● АҚШнинг Ироқдаги вақтинчалик маъмурияти раҳбари Пол Бремер Вашингтон мамлакатдаги ҳокимиятни ироқликлар қўлига фақат 30 июнда топширишини билдирди. Бу вақтга қадар Ироқда умумхалқ сайловлари ўтказилмайд.

● Буюк Британия лабораторияларининг бирида Бубон ўлати касалига қарши янги вакцина топилди. Бирлашган қиролликнинг кўзга кўринган олимларидан бири Рик Питболл ушбу вакцинани одамларда синовдан ўтказмоқда.

● Россия давлати тилла-валюта заҳираларининг қўлгири жиҳатидан биринчи бор АҚШни ортда қолдирди.

● Австралиялик олимлар томонидан парранда гриппи вирусига қарши ишлаб чиқилган вакцина Австралиа ҳамдўстлиги (CSIRO) илмий-тадқиқот институтида дастлабки лаборатория текширув синовларидан ўтди.

● Россиянинг Омск вилоятида микроавтобуснинг поезд билан тўқнашиб кетиши натижасида 10 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Дунёнинг турли нуқталарида гиёванд моддаларини сотиш билан шуғулланувчи уюшган гурuhlари тузишда гумон қилинаётган, 12 йилдан буён қидирувда бўлган 70 ёшли Жузеппе Марабитони Италия полицияси томонидан ҳибсга олинди.

Кейинги пайтда ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича текширувларнинг қисқартирилиши, уларнинг қонунчилик доирасида асосли ва самарали ўтказилиши, пировард мақсадга эришиш борасида қандай сазй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда? каби саволларнинг тўғилиши табиий. Шу каби масалалар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясининг 2003 йилги фаолияти яқунлариға бағишланган ййғилишида муҳоама қилинди.

Ҳисобот даврида мажмуавий тарзда 20922 та текширув ўтказилган бўлиб, шулардан 88 фоизда турли кўринишда қонун талаблари бузилган аниқланди. (2002 йилда режаға нисбатан текширувлар сони 15 фоизға кўпроқ бўлган, аммо камчиликлар 14 фоизға кам аниқланган). Корхона ва ташкилотлар томонидан молиявий фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликлар оқибатида бюджетға кўшимча 43,4 миллиард сўм қўшимча маблаг ҳисобланган.

Юқоридаги рақамларға қараганда, олдинги йилларға нисбатан ҳисобот даврида ўтказилган текширувлар жараёнида сезиларли натижаларға эришилган дейиш мумкин. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатадики, идоравий текширувларға барҳам берилиб, барча текширувлар қилинган ҳолда ва ҳамкорликда олиб борилишиға эришилишидан қатъий назар, айрим назорат органлари томонидан режавий тадбирлар тузилишиға лоқайдлик билан ва масъулиятсиз ҳолда ёндошилаётгани кузатилмақда. Бунинг оқибатида баъзи ҳўжалик субъектлари асоссиз равишда кетма-кет текширувдан ўтказилаётгани, шунингдек, айримларининг фаолияти тугатилиб, банкрот ишлари олиб борилаётганиға қарамастан, учинчи бир субъектларнинг манзиллари аниқ бўлмасидан режаға киритиш ҳоллари мавжудлиги ҳам сир эмас. Жумладан, ҳисобот даврининг тўртинчи қорағи режасидаги текшириладиган субъек-

тларнинг 29 фоизи Республика Кенгаши талабларига зид равишда киритилган. Шунингдек, 37 та корхонанинг банкротлик ҳолати сабабли фаолияти тўхтатилган ҳамда 1361 та корхона кейинги икки йил мобайнида текширувдан ўтказилган бўлса ҳам, аммо уларнинг бари қайтадан 2004 йил лойиҳа режасига яна ки-

берилиб, шунингдек жойлардаги комиссияларнинг пировард натижаға эришишдаги ҳаракатларида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик сезилмаётгани, хусусан, қонунчилик бузилишиға йўл қўйган ҳўжалик субъектларидан бюджетға ундирилиши лозим бўлган маблағлар тўлиқ таъминланмагани таъкидлаб ўтилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ПИРОВАРДА МАҚСАДГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, ҳўжалик субъектларининг фаолиятиға ноқонуний аралашувларға йўл қўймаслик, қонунчилик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш каби мақсад ва вазифалар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ва унинг жойлардаги ҳудудий комиссияларининг фаолиятида ўз аксини топаётгани шубҳасиз.

ритилган. Бундан ташқари, жорий йилға тармоқлараро режаға мансуб бўлмаган 133 та корхона, фаолиятини бошлаганиға бир йил бўлмаган 716 та корхона текширувға берилган, 322 ҳолатда эса қонунчиликка хилоф ҳолда текширувлар солиқ идоралари иштирокисиз белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот йилида ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳўжалик субъектларининг молиявий фаолиятиға икки маротаба ноқонуний тарзда аралашуви аниқланган (2002 йилда назорат органлари томонидан бундай ноқонуний аралашувлар тўрт маротаба кузатилган). Хусусан, «Атеа-Августа» қўшма корхонаси бўйича муқобил текширув ўрниға тўлиқ ҳужжатли текширув ўтказилган. Худди шундай ноқонуний текшириш жараёни «Бахт-Билло» хусусий корхонаси бўйича ҳам амалға оширилган.

Ййғилишда назорат органлари фаолиятида юзаға келаётган бундай камчиликларға алоҳида ургу-

Таҳлилларға қараганда, умумий ҳисобланган жаримнинг фақат тўртдан бир қисми, яъни 10,3 миллиард сўм бюджетға туширилган. Ҳисобот даврида солиқ идораларининг сазй-ҳаракатлари эвазига 7948 та субъект бўйича солиқ тортиладиган фойданинги яширилиши ва давлат бюджетға кам миқдорда маблаг ўтказиш ҳоллари аниқланган. Бу борада молиявий-иқтисодий қоидабузарликлардан бюджетға 32,4 миллиард сўм ундирилиши лозим бўлган бўлса, аслида ушбу маблагнинг шу кунгача атиғи 7,9 миллиард сўми туширилган. Шу ўринда яқинда бўлиб ўтган йил яқунлариға бағишда қаттиқ танқид остиға олинмиб, хусусан корхона ва ташкилотларнинг боқимандаси, яъни бюджетға тўловлари олдинги даврларға нисбатан анча юқорилгани таъкидлаб ўтилган. Бундай мураккаб вазиятни инобатға олган ҳолда ҳудудий комиссия ййғилишида назорат қилувчи органлар раҳбарларига корхона ва ташкилотларнинг қарзларини бартароф этиш юзасидан кескин чоралар кўриш зарурлиги ўқтириб ўтилди.

Шаҳар комиссияси ййғилишида, шунингдек Бектемир тумани ҳудудий комиссияси ҳамда «Асака» банкининг шаҳар бўлими томонидан 2003 йил давомида амалға оширилган ишлар ҳисоботи тинланди. Шу билан бирға ййғилишда барча камчиликлар ва тақлифлар инобатға олинмиб, комиссиянинг 2004 йилға мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

Иқтисоқий

НОМИГА ЯРАША ҒЎЗАЛ

«Олтин балиқча», «Шодивна», «Денгиз мавжи», «Зилола», «Юлдуз», «Дастанул», «Нилуфар» — ана шундай номланиши чиройли, кўриниши эса ундан ҳам ғўзал, жиллолари кўзни олувчи 22 турдаги чинни буюмлар дастаси «Тошкент чинни заводи» акциядорлик жамияти чинносозларининг маҳоратли меҳнати эвазига ўтган йилда яратилди.

Жорий йилда эса корхонада имкониятлар чамалаб чиқилиб 750 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган. Чинни тўпмалари қаторига яна 25 турдаги янги, харидорғир маҳсулотлар қўшилиди. Ишлаб чиқарилаётган чинниларнинг харидорғирлигини ошириш, сифатини янада яхшилаш борасида эса корхона лабораторияси ходимлари, рассом-дизайнерлар иш олиб боришмоқда. Натижада маҳаллий ҳамда хорижий хом ашё ҳисобига тайёрланаётган хилма-хил чиннилар ички бозорда харидорғирлиги билан ажралаб туради.

— Ангрндаги «Каолин» қўшма корхонаси билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Башрилла Қосимов. — Албатта, ушбу қўшма корхонанинг хом ашёсидан тайёрлаган чинни маҳсулотларимиз кундалик турмушда аҳолиға асқотади. Келгусида эса олимларимизнинг олиб бораётган изланишлари янада самара бериб маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош чиннилар тайёрлаш ниятидамиз.

Ҳозирда корхонада эскирган дастгоҳларни босқичма босқич таъмирлаш, тажрибали кадрларни ишға жалб этиш ишлари олиб боришмоқда. Ўтган йилда жамоада 170 та қўшимча иш ўринлари яратилган бўлса, б' йил ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, хорижий ҳамкорлар толиш, корхонанинги илгариги маквеини тиклаш, Тошкент чинниларининг доврўғини жаҳонға ёйиш галдаги вазифалар сирасига кириб, уни амалға яшириш ййлидаги сазй-ҳаракатлар давом этмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

«Газ ҳисоблагич ўрнатгач, пулимиз анча тежалмоқда, ёққанзимизға яраша тўлаямиз», «Шуниси яхшида «зангори олов»ни бекорға исроф қилмаймиз», «Аваллиға ҳисоблагич ўрнатишдан кўрққан эдик, буни қарангки, бир-икки ойдаёқ унинг афзаллигини кўрдик, анча кам ҳақ тўлайди», «Газ ҳисоблагичларнинг ҳақини кафолатли муддатда тўлаш имконияти берилгани барчаға маъқул» сингари гаплар билан биргаликда, айрим истеъмолчилардан «Газ ҳисоблагичлар бепул қўйилиши керак, дейишган. Бизға эса пул тўлайсизлар дейишяпти, шу тўғрисида» деган саволини, нотўғри тушунчаларни ҳам эшитиб қоламиз. Биз ушбу саволға аниқлик киритиш ҳамда шахримизда газ ҳисоблагичлар ўрнатиш хусусидаги аҳоли ва муаммолар хусусида «Тошиаҳаргаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси директорининг ўринбосари Зафар МИРСАЙДОВА бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Зафар Миртожиевич, пойтахтимизда тежалкорликда мўҳим аҳамият касб этадиган газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ишларининг аҳоли қандай?

— Барчамизға маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг шу асослаги 201-қарорлари иқросини таъминлаш борасида корхонамиз хонадонларға 2002-2004 йиллар мобайнида 504700 дона газ ҳисоблагичлар ўрнатишни режалаштирган эди. 2002-2003 йилларда жами 240 мингтаға яқин ускуна ўрнатишға эришилди. Жорий йилда эса газ ҳисоблагич режаси «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан тасдиқланган ва шаҳар ҳокимлиги билан қелишилган ҳолда 269.774 та қилиб белгиланди. Ушбу режаға асосан ҳозирда ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, ўрнатиш газ ҳисоблагичлар учун аҳоли томонидан тўловлар вақтида қайтаришяпти. Вақоланки, тузилган шартномада бу муддат аниқ кўрсатилади. Бу эса газ ҳисоблагичлар ўрнатишда муаммоларни келтириб чиқармоқда, режаға тасйир этмоқда. Кейинги вақтда олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари, сазй-ҳаракатлар натижасида аҳоли томонидан тўловларни ундириш яхши самара бериб, қайтарилган маблағлар ойма-ой ўсилишға эришилляпти. Белгиланган режани амалға ошириш, хонадонларға газ ҳисоблагичлар ўрнатишни

муддатида бажариш учун барча имкониятлар ишға солинади. Бу борада маҳалла фаоллари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳам-

Қарор ва ижро

ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧЛАР ЎРНАТДИНГИЗМИ?



корликда иш олиб борамиз.

— Тахририятимизға мурожаат қиладиган баъзи истеъмолчилар «Газ ҳисоблагичлар бепул ўрнатилиши керак, бу қарорда айтилган» деган нотўғри тушунчаларға эга. Бу ҳақда қандай изох берасиз?

— Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қароридан газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш ҳамда квартираларда ва аҳолининг яқна тартибгаги уйларида ўрнатиш «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошқоммунгаз» корхонаси маблағлари ҳисобига амалға оширилади», дейилган. Ана шу 99-қарор-

нинг 4-иловасида «Ўзкоммунхизмат» корхонаси томонидан сотиб олинган газни ҳисобга олиш приборлари аҳоли квартираларига ва яқна тартибгаги уйларида ўрнатилади. Кейинчалик уларнинг қиймати истеъмолчи томонидан кафолатли муддат мобайнида тўланади, газни ҳисобга олиш приборларининг қиймати тўлиқ тўлангандан кейин унга мулкчилик ҳўқуқи истеъмолчиға ўтади», деб кўрсатилади. Яъни, газни ҳисобга олиш приборлари қиймати истеъмолчи томонидан тўлиқ тўлангунча қадар «Ўзкоммунхизмат» мулки ҳисобланади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, хонадон эгаси билан тузилган шартномаға кўра ускунанинги нархи бирданниға ёки ўрнатилаётган газ ҳисоблагичнинг кафолат муддати мобайнида тўловни ўзгартириш ҳисобига амалға оширилади. Ҳисоблагични ўрнатиш учун кетадиган сарф-харajatлар эса бирданниға ҳақ тўлаш ҳисобига бажарилади. Бу ҳақ ускунанинги қандай ва қанча ўрнатилишиға, кетадиган харajatларға боғлиқ бўлади. Ҳозирда бундай ускуналарни корхонамизнинг туман филиаллари қошида ташкил этилган пайвандчи бриадлар ҳамда шартнома асосидаги корхоналар ўрнатишмоқда.

Шуни унутмаслигимиз керакки, халқимизда «Қарс икки қўлдан» деган аждийи нақл бор. Истеъмолчиларимиз ҳам яна шуни ёлда тутиб ўрнатиш газ ҳисоблагичлар ҳамда фойдаланаётган газ ҳақини ўз вақтида тўлаб боришса, олимизда турган муаммолар ечим топади, хонадонимизда ҳаммиша «зангори олов» овиримизни енгил қиладик, газ ҳисоблаш ускуналари

эса қонунбузарликларнинг, исрофгарчиликнинг олдини олади.

Ахир хонадонингизға сизнинг беминнат дастебингиз — «зангори олов» жаржини ўлчовчи асбоб ўрнатиладиган, сарфига яраша ҳақ тўлайсиз. Бунинг устиға мушқулнингиз осон бўлиб, ҳисоблагичлар орқали қанча ишлашганингизни биласиз, тежалкорликка эришасиз, оилангиз бюджетига ҳам фойда бўлади. Зеро, «Томатомға кўл бўлур» деган нақл бежизға айтилмаган-ку.

Шарифа ИЛЁСОВА сўҳбатлашди.

Маданият

«ГОЛИБ КИТОБХОН»ЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Республикада 2004 йили умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили сифатида давом этмоқда. Шу муносабат билан «Мактаб-кутубхона—оила—жамоат ташкилотлари» хайрия тadbири ҳам белгиланди.

Ушбу маърифий ҳаракатнинг биринчи босқичи 17 мартга давом этади. Республика илмий-педагогика кутубхонаси томонидан тузилган режага кўра, ушбу жараёнда турли кўргазма-танловлар ҳам ташкил этилмоқда. «Голиб китобхон», «Синфнинг энг яхши китобхони» танловлари натижалари мактаб радиоси орқали маълум қилинади.

Якуний босқич голиблари шу йилнинг апрель ойида эълон қилинади.

«ШАРҚ АЁЛИ»

ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бундан беш йил аввал Тошкентда «Шарқ аёли» халқаро хотин-қизлар жамғармаси тузилган эди. Республикада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга оширишда хотин-қизлар фаоллигини ошириш йўлида кўрилатган тadbирлар ҳам яхши самара бермоқда.

Жамғарма ўзининг бир неча маърифий ва маданий марказларига ҳам эга. «Германия» деб номланган марказ фаолияти ҳам кенгайиб кетди. «Тайёрлов мактаби»нинг ташкил этилиши ҳам аниқ мудоа бўлди.

Болалар ва ўсмирлар учун «Актерлик ва маҳорат мактаби» очилди. Ёш истеъодларда ижодкорлик иқтидорини ўстиришга қаратилган ўқув-амалий машғулотлар қизиқarli бўлмоқда.

Жамғарманинг беш йиллигига бағишлаб ўтказилган «Шарқ аёли ва давр» анжуманида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

УНИВЕРСИТЕТ-НИНГ ЯНГИ ЖУРНАЛИ

Бугунги кунда йирик олий ўқув юртли ўзларининг илмий-педагогик журналларига ҳам эга. Тошкент Давлат техника университетида эса бир йўла учта босма нашр чоп этилмоқда.

Уларни ўз вақтида сифатли қилиб босиб чиқариш учун мустаҳкам нашриёт-матбаа негизи яратилган. Мини босмахонада олий ўқув юртининг қатор илмий тўпламлари ҳам чиқарилмоқда.

«Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар» деб номланган янги илмий журналнинг дастлабки сонлари кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Ўзбек, рус ва инглиз тилида чоп этилаётган бу нашрда ёш олимлар изланишларига ҳам катта ўрин ажратилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Тadbирлар

МЕХР-МУҲАББАТ — ҲАЁТ ЗИЙНАТИ

Бутун дунёда кўнгиллиларни волонтерлар деб атайдилар. Кўнгиллилар сафидан жой олиш учун эса ёшнинг ҳам, миллатнинг ҳам, диний ва ижтимоий келиб чиқишнинг ҳам аҳамияти йўқ. Энг муҳими улар кўнгли юмшоқ, ўзганинг дардини ўзиники деб биладиган, беминнат ёрдам беришга шай бўлган инсонлардир.

Куни кеча Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Собир Раҳимов туман Кенгашининг «Ёшлар маркази» томонидан ташкил этилган «Меҳр-муҳаббат — ҳаёт зийнатидир» деб номланган хайрия шоуси ҳам айнан меҳрға зор, ўзгалар кўмагига, қўллаб-қувватлашига муҳтож етим-есирлар, ногирон болажонлар учун ташкил этилди.

Хайрия шоусида Й.Охунбобоев номидаги маданият уйи, Х.Турсунўжаев номидаги тиббиёт билим юрти, туман маданият уйи, туман «Ёшлар маркази»нинг кўнгилли ёрдамчилари фаол қатнашдилар.

— Вазифамиз аҳолининг энг заиф, ёрдамга муҳтож қатламнинг яшаш шароитларини энгиллаштириш, ёлғиз кексалар, фавулодда вазиятларда жабрланганлар, ногиронлар, сурункали беморлар, меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилар ва кам таъминланган, кўп болали оилаларга имкон қадар ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган, — деди тadbирда сўз олган Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Собир Раҳимов туман Кенгаши раиси Хурсаной Аҳмедова. — Шунинг учун ҳам бизнинг эзгулик йўлидаги ишларимизда сиз каби ёшларнинг ёрдамингиз, иштирокингиз, таклиф ва гоъларингиз жуда ҳам керак. Жамиятни эса инсонларварлик гоъларига беминнат кўмак берувчи кўнгиллиларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шунингдек тadbирда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Миллий Кенгашининг матбуот котиби Равшан Шуқуров, туман «Ёшлар маркази» мувофиқлаштирувчиси Назокат Қамбаровалар ҳам сўзга чиқиб, ёшларни ўзлари тушунган ҳолда меҳр-муҳаббатли инсонлар парварлишига муҳтож бўлган ночор, ногирон етим-есирларга муруват қўлини чўзиб, кўмакка келишга, юксак инсоний гоълар йўлида хизмат қилаётган кўнгиллилар сафини янада тўлдирришга чақирдилар.

Тadbирда Й.Охунбобоев номидаги маданият уйи ҳаваскорлари ижросида кувноқ куй-қўшиқлар янгради, чиройли сахна кўринишлари намойиш этилди, қизиқarli интеллектуал ўйинлар ўйналди. Айниқса тиббиёт билим юрти талабалари томонидан тайёрланган «Чимилдик» асари бўйича сахна кўриниши, «Энг яхши тилак» номинацияси бўйича ўтказилган танлов ёшларда жуда катта таассурот қолдирди ва гулдурос қарсақлар билан олқишланди.

Эътиборли томони шундаки, тумандаги «Онтаро» қаҳвахонасида бўлиб ўтган ушбу хайрия шоусидан тушган маблағ кам таъминланган, ўзгалар меҳрига, кўмагига муҳтож бўлган ота-онасиз болажонларга ёрдам тариқасида берилади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Кўргазмалар

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган истеъдодли ҳайкалтарош Азамат Ҳотамов асарлари кўргазмасини томоша қилиб, эллиқдан зиёд кичик ҳайкаллар мажмуасида асосий мавзу аёлларга бағишланганлигининг шоҳиди бўлдим.

АЁЛЛАР УЛУҒЛАНАДИ

Ижодкорда шундай истеъдод борки, ўзини қизиқтирган қайси мавзуга қўл урмасин, уддасидан чиқаверади, ёғочми, тошми, гипсдами жонланаверади. Унинг «Умар Ҳайём», «Жаҳон чемпиони, боксчи Руфат Рискйев» асарлари фикримиз далилидир.

Кўргазмадан Азамат Ҳотамовнинг кейинги икки-уч йилда яратган эподнома, лойиҳабоб хомаки асарлари ўрин олган. Бу кичик ҳайкалчалар замирида катта маъно, катта ишлар турибди. Шоир Фафур Фуломнинг «Шум бола» қиссасига ишланган «Шум бола» ком-

позицияси жуда характерли, ўзига хос кўринишда ишланган. «Созанда», «Квартет» (тўрт созанда), «Оқсоқоллар», «Куррашчи», «Донишмандлар», «Дуэт» деб аталмиш турли мавзудаги асарлари фикримизнинг далилидир. Халқ санъаткорлари, курашчи-полвонлари, доно, салобатли мўйсафидларимиз қиёфаларини кўриб ҳузур қиласиз.

Булар Азамат Ҳотамов ижодининг олмос қирраларидан ҳикоя қилса, кўргазма ўзаги, илдизи, гоъяий мазмунини ташкил этган аёллар эканлигини томошабинлар тезда ан-



лаши мумкин. «Қайин» дарахти тасвирида ҳам рамзий маънода аёл қиёфаси, «Ингал» деб аталган ҳайкалчада эса онани тўлғоқ тутмоқда. Айниқса «Майрам портрети» кишини ўзига жалб этади. Унда ҳайкалтарошнинг умр йўлдоши акс этган бўлиб, аёлига бўлган ишончи, муҳаббати чексизлигининг ҳам гувоҳи бўласиз. Ўта ҳаёли, содда кўринишли, гўзал қалбли пок аёл қиёфаси акс этган. «Майрамга аталган» номли асарида эса она, унинг атрофида болалари акс эттирилган. Бу билан аёл меваси — фарзанд деган гоъяни ифодалайди.

Ижодкорнинг ушбу асарлари шу даврларда яратган ижод намуналаридир.

«Кимнинг қандайлиги бошинг ёстиққа текканда билнаркан. Оғир дардга чалиниб, уч марта операция бўлдим. Аёлим парварлишига, меҳри-муҳаббати, ишончи кучимга куч қўшди. Ҳеч қандай дард кўрмагандек ижод қилдим», — дейди мам-

МАРОҚЛИ ЎТГАН УЧРАШУВ

Бектемир туманидаги 293-мактабда ўқувчиларга пухта билим бериш билан бирга турли соҳа эгалари билан ижодий учрашувлар ташкил этиш яхши анъанага айланган.

Куни кеча мазкур илм маскани юқори синф ўқувчилари ажойиб учрашувда иштирок этишди. Мактабга бадий сўз устаси, танкили санъаткор, «Мирзо» театрининг актёри Валижон Шамшиев ташриф буюрди. 9, 10, 11-синфлар ўқувчилари билан актёр ўрта-сида уюштирилган жонли суҳбат, айтиш жоизки, барчада илиқ таассурот қолдирди. Чунки Валижон йиғилганларга «Мирзо» театри ва унинг фаолияти ҳақида, шунингдек, ўзининг ижодий изланишлари хусусида сўзлаб берди. Қизиқarli, баҳс-мунозарага бой кечган савол-жавоблардан шу нарса маълум бўлдики, Валижон аниқ пайтда кино санъати билан жиддий шуғулланмоқда. Валижон Шамшиев режиссёрлигида суратга олинган «Тақдир зарбаси» фильмининг яратилиш тарихи ўқувчиларни қизиқтирди чоғи шу хусусда савол-жавоблар кўп бўлди.

Қизиқarli ўтган тadbир якунида эса қатнашчиларга «Тақдир зарбаси» фильми намойиш этилди.

Холида ИСКАНДАРОВА

нунлик билан Азамат Ҳотамов.

У «Сурхондарё гўзали», «Илҳом париси», «Уй бекаси», «Аёл», «Она ва бола» сингари ижод намуналарида аёлларга бўлган ишончини акс эттиради. Шулар тимсолида умр йўлдоши Майрам қиёфаси жонланади. Бу тасвирларини янада рамзий маънода, юксакларга кўтариш учун «Шоира Зулфия» портретини яратиб тиним билмас, «Сут сотувчи аёл», «Қиз бола» қиёфаларини ҳаётий жонлантиради. Ва ниҳоят фалсафий фикр ва мулоҳазаларини ишга солиб, болали аёлни «Ҳаёт илдизи», «Оила устун» деб аташга журъат этади. Ҳайкалтарош бундай атамалари билан аёл зоти-ни улуғлайди, қадрлайди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ, санъатшунос.

СУРАТЛАРДА: ҳайкалтарош Азамат Ҳотамов ижодидан намуналар.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН, БАҲОРИМ!

Хонанда куйлайди: — Сен баҳорни соғинмагинми? — Соғиндик, — деймиз биз.

— Соғиндик, — дейди бутун барлик, она табият.

Озод ва обод юртимга қутлуғ қадамлар билан кириб келаётган баҳорим, бугун она замин сени интиқлик билан кутиб олишга шай турибди.

Таърифингни келтиришга тил ожиз. Сенинг хислатинг ва фазилатинг ёзнинг мовий осмони, куз тўкинчилиги, зумрад қишнинг тароватидан минг чандон аъло. Сен фасллар ичра гўзал келинчак янглиғ кўркамсан. Сен мудроқ кўнгилларга қувонч ва шодлик улашасан.

Жумлаи жаҳонга нур бағишлаб, кўчалар ва дала-ларга фазилат олиб келасан. Айтишларича, баҳорнинг эрта келиши кузнинг серҳосил ва мўлқуллигидан дарак бераркан.

Қадаминг сербарака ва қутлуғ келсин, баҳорим!

Бугун табиятга боқиб кўз тўймайди. Қайдадир бодом гуллади, баҳор элчиси чучмома буй кўрсатди. Ариқ лабида майсалар яшнаб, ялпиз ниш ура бошлади. Мажнунтол қуртак чиқариб, дарахтлар яшил тусга кирди. Эрта-индин ўриклар гуллаб, далалар ал-вон ранг олади, чамандек

очилган қирмизи лола-лар билан қопланади.

Сенинг ҳар бир кунинг ўзгача. Яшариш ва яш-наш ишқи уфуриб тура-ди. Бахт ва қувонч наши-дасидан маст ва масрур аёлдек кун сайин ажиб тус олиб, ял-ял яшнаб борасан.

Илоҳим, бахтинг бутун бўлсин, баҳорим!

Бугун шаҳар кезиб чарчамайсан киши. Кўклам кайфиятидан ну-

Бугун чўпон-чўлиқлар кирга отланади. Тоғ ён бағирларига қўй-қўзилар ёйилади. Эрта-индин адирлар ўйноқи, шўх қўзичоқларнинг ёқимли маъраши билан тўлади.

Бугун серфайз далаларда техникалар овози баралла янграмоқда. Баҳорий шудгорлаш ишлари бошланди. Эрта-индин бободехқон серу-нун тупроққа барака уру-ғини қадайдди. Илоҳим,

бу йилги ҳосилингни янада мўлқул бўлсин, баҳорим!

Бугунимиз кечагидан серфайз. Эрта-индин бугунгидан чароғон. Кучоқ-кучоқ гуллар бағримизни тўлдиради-ган кун яқин. Яна радио тўлкинларидан:

Мана сенга олам-олам гул, Этагингга сиққанча ол.

Бунда толе ҳар нарсадан мўл, То ўлгунча шу

ўлкада қол, деган куй таралиб юракларни завқ-шавққа тўлдиради. Бу куй ва унга ҳамоҳанг кўшиқ ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Жисмимизга куч-қувват бағишлаб, ҳамма-мизни меҳнат кучоғига чорлайди.

Истиқлолимизнинг ҳар йили сен билан нурафшон бўлсин, илоҳим.

Соғинтирган баҳорим, кел, келақол, азизим. Маҳмуд ОРИПОВ

Кунлар исиб кетиши билан айрим дарахтларнинг қишдан шикастланиб чиқганини кўриш мумкин. Бунинг аломатлари асосан дарахтларнинг пўстлоғида намён бўлади. Шикастланишнинг сабаби қиш давомида совуқ уриши, шамол натижасида дарахт шохларининг бир-бирига ишқаланиши, айрим ҳашаротларнинг дарахт танасига ин қуриб олиши ва ҳоказолардир.

ДАРАХТГА МАЛҲАМ

Агар дарахт шохини совуқ урган бўлса намликка кўпроқ эҳтиёж сезади, шунинг учун бундай пайтда табиий ўғитни суюлтириб, уни сув билан сугориш лозим. Совуқ урган шох пўстлогини шилиб ташлаб, унга оч қизил тусли марганцовка суюқлиги сепилади, сўнгра лойи чапланади. Яра тезроқ бити кетиши учун уни бўз мато ёки ёмғирдан сақлаш мақсадида плёнка билан ўраган маъқул.

Дарахтни зарарли ҳашаротлардан тозалаш ҳам асосий юмушлардандир. Чунки куёш қиздириши билан улар ўз уяларидан чиқиб куртаклар, гунчалар, ёш баргларга «хужум» қила бошлашади. Бундай пайтда касал-манд, нозик новдаларни кесиб ташлаш, ҳашаротлар уя қурган жойдаги

пўстлоқни шилиб, уларни ёқиб юбориш лозим. Сўнгра 50 даража иссиқликдаги қайноқ сувни тозаланган жойларга сепиш керак. Агар зарарли ҳашаротлар кўп бўлса уларни махсус кимёвий воситалар ёрдамида йўқотиш тавсия этилади. Хусусан, олма ва нок дарахтлари учун 10 литр сувга 200 грамм нитрофен моддаси солинган эритма ишлатилади. Замбуруғли касалликлардан асраш учун дарахтларга ҳар тўрт йилда бир марта 10 литр сувга 500 грамм темир кукуни солинган аралашма селган маъқул. Олча ва олхўри дарахтлари учун эса темир купороси моддаси 300 граммгача камайтирилади, нитрофен миқдори эса ўзгартирилмайди. Шундагина ёз ёки кузда сархил мўл ҳосил олиш мумкин.

Транспорт воситаларидан чиқаётган захарли моддалар, аввало, инсон саломатлигига, атмосфера ҳавосига, ёр, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир қилади. Бу эса яхлит тушунча сифатида экология муаммосини келтириб чиқаради.

Экологик хавфсизлик — транспорт воситасининг атроф-муҳитга ва одамлар соғлигига зарарини камайтириш демакдир. Атроф-муҳитни, атмосферадаги ҳавони энг кўп углеводород ёнилғилари, бензин, дизел ёқилғиси, табиий газ, мазут, керосин, кўмир ва бошқалар билан ишлайдиган қурилмалар ифлослантиради. Автомобиль эса атмосферага зарарли моддалар чиқарадиган манбаларнинг асосийсидир.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, вилоят ва шаҳарлардаги транспорт воситалари ва саннат корхоналарининг ишлашидан ҳосил бўлган зарарли моддаларнинг 75-80 фоизи транспорт воситалари ва 20-25 фоизи кўзгалмас манбалар ҳисобига тўғри келади.

Экологик муаммо автомобиллаштириш ва ундан келиб чиқадиган зарарли оқибатлар билан боғлиқ бўлса экологик хавфсизлик транспорт воситаси конструкцияси ва қўлланиладиган ёқилғи туридир. Булар орасида энг кўп сезиларлиси атроф-муҳитни автомобилдаги ички ёнув юргизгичи (ИЕЮ)да ишлатилган газлар билан ифлослантиришдан иборат. Ифлослантириш даражаси эса ёқилғининг тури, миқдори ва тарихига боғлиқ. Мутахассисларнинг ҳисоблашларига қараганда, минг литр бензиннинг ёнишидан ҳавога 68,4 килограмм, минг

литр дизел ёқилғисининг ёнишидан 73,1 килограмм, минг литр табиий газнинг ёнишидан 27,1 килограмм зарарли моддалар чиқади.

Масалан, ёқилғининг ёнишидан ҳавога чиқадиган газларнинг таркибидagi кислород, азот, сув буғи, углеводород икки оксидлари зарарсиз бўлса, углеводородлар, альдегидлар, қурум, бензапиренлар эса инсон организмга (инсоннинг нафас олиш йўллари, терисига ва бошқа органларига) жуда катта таъсир қилади.

Бундай таъсир қилувчи қаторли ИЕЮларнинг ишлатилган газларида кўрғошин бўлади. Шаҳарнинг 1 куб метр ҳавосида кўрғошин миқдори 1-5 куб метр атрофида бўлиши аниқланган.

Кўрғошиннинг атмосферага камроқ тарқалиши учун ривожланган мамлакатлар этил суюқлиги аралаштирилган бензиндан шундай суюқлик қўшилмаган бензинга ўтишмоқда.

Маълумотларга қараганда зарарли моддалар миқдори дунё бўйича ҳар йили ИЕЮларидан 260 миллион тонна углеводород оксидини, 40 миллион тонна парланувчи водород углеводородларини, 20 миллион тонна азот оксидини атмосферага чиқаради.

ИЕЮнинг ишлашидан ҳосил бўлган зарарли моддаларнинг инсонга таъсири турли кўринишларда бўлади. Масалан нордон карбонат тузи (СО) кислорол етишмаслигига олиб келади, марказий асаб тизимига таъсир кўрсатади. Азот оксиди (NO) организмда сув йўли

Мушоҳада

ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда барча соҳалар сингари автомобилсозлик ҳам ривожланиб бормоқда. Юртимизда 1996 йилда Асака шахридаги автомобиль заводидан биринчи автомобиль ишлаб чиқарила бошланди. Бугунги кунга келиб эса Ўзбекистон Республикасида рўйхатда турган автотранспорт воситаларининг сони бир ярим миллионни ташкил қилмоқда. Бу қувончли ҳол албатта. Лекин автомобилсозлик иқтисоди ривожланиши жамият учун баъзи салбий ҳодисалар ҳам келтириб чиқараётган ҳам кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, автомобиллардан чиқаётган ис газлари ва шовқин даражаси ташқи муҳитни ифлослантириш билан бирга, инсоният учун катта хавф туғдириб келмоқда.

ролик жамиятини қуриш йўлида бораётган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсонларнинг муҳим ҳаётий манфаатлари ва аввалам-

бор тоза, соғлом, қулай табиий шароитга эга бўлиш талабини тўла қондиришга қодир бўла оладиган атроф табиий ва ижтимоий муҳит ҳолатини яратиб бериш ҳозирги кундаги асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Бу ҳақда Президентимиз Ислам Каримов шундай дейди: «Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги кунини ва келажиги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир».

Атмосферани ифлослантиришнинг олдини олиш учун ҳеч нарса қилинмапти деб бўлмайди, чунки дунё олимлари билан бир қаторда бизнинг олимларимиз ҳам экологияни яхшилаш мақсадида автомобилсозликда бир қанча янгиликлар киритишмоқда. Масалан аккумулятор батареяларида, кўёш энергиясида ишлайдиган автомобилларни яратишмоқда ва экологик тоза юргизгичларни яратиш устида изланишлар олиб боришмоқда. Узоққа боришнинг кераги йўқ, масалан шахримиздаги автотранспорт воситаларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирини кескин камайтириш учун барча автомобилларга кўп километр узунликдаги янги автомобиль йўллари қурилиб ишга туширилади. Бу ҳам атмосфера ҳавосини имкон қадар тозалашга шароит яратди.

Атроф-муҳитни транспорт воситаларининг

зарарли чиқиндиларидан муҳофаза қилиш ва назорат ишларини янада яхшилаш, шунингдек, шаҳар ҳудудига экологик аҳолини соғломлаштириш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари иштирокида ҳар йили икки марта (май-июнь, сентябрь-октябрь ойларида) аниқ йўналишли «Тоза ҳаво» тадбири амалга оширилиб келинмоқда. Бу тадбирлар жараёнида шаҳардаги автотранспорт корхоналари, шаҳар ва автохўжаликлар ҳудудида жойлашган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари текширилади. Тадбир давомида йиғилган барча натижалар атрофича таҳлил қилинади ва йўл қўйилган камчиликларнинг олдини олиш вазифаси раҳбарлар зиммасига юклатилади.

Атроф-муҳитни, табиятни асраш бу давр талабдир. Лекин бу масалага етарли эътибор берамиз деб бўлмайди. Шу сабабли одамзоднинг атроф-муҳитга, табиятга таъсири хавфли даражада ортиб бормоқда. Буларнинг олдини олиш ва вазиятни яхшилаш учун чуқур ўйланган ва йўналтирилган ишларни қилишимиз, янги усул ва технологияларнинг ҳозирги кундаги атроф-муҳитнинг ҳолатини аниқ билган ҳолда амалга ошириб, ҳаётга таъбиқ этишимиз зарур.

Б.УМАРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси ИХТ кафедраси ўқитувчиси, милиция майори.



N2 (142) Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси



Туманларда

МАҚСАД — ТАБИЙ МУҲИТНИ ЯХШИЛАШ

Бектемир тумани Тошкент шаҳрининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, шимол томондан пойтахтимизнинг Миробод ва Ҳамза, ғарб томондан Сергели, жануб ва шарқ томондан эса Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ тумани билан чегарадош. Унинг умумий майдони 2050 гектар бўлиб, аҳолиси 30900 кишини ташкил қилади. Туманда 12 та маҳалла жойлашган.

Туман ҳудудида 30 дан орттиқ катта корхоналар мавжуд. Бундан ташқари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан тошуғулланувчи корхона ва кўшма корхоналар ҳам фаолият кўрсатади. Бу корхоналарнинг 44 таси Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш қўмитасига белгиланган муддатда ҳисобот топшириб турадилар.

Ўтган йилги корхоналар ҳисоботларига кўра атмосфера ҳавосига 326,782 тонна зарарли моддалар чиқарилган. Артезиан қудуқларидан 9051, 304 м³ куб метр сув ишлатилган ва 1075,5 минг куб метр оқова сувлар очиқ сув ҳавзаларига сув тиндиргичлари орқали тозаланиб, кейин ташланган. Корхоналарни текшириш вақтида табият қонун-қоидаларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан ҳам маъмурий жавобгарлик қўлланилди. Бундайлардан умумий ҳисобда 982870 сўм жарима ундирилди.

Туманда ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда бу ерда 37896 донга турли-туман дарахтлар буй кўрсатиб турибди. Улардан 18123 донаси терак, 9893 донга манзарали дарахтлар, 4722 та мевали дарахтлар ва қолганлари турли-туман иг-

набаргли дарахтлардан иборат. Ҳозирги кунда туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан табиий муҳитни яхшилаш мақсадида Тошкент халқа йўли бўйлаб турли хил дарахтлар экилмоқда. Оҳангарон шохқўчаси бўйлаб эса арча дарахтлари ўтказилмоқда. Тумандаги табиий муҳитни барқарор қилиб туришда унинг ҳудуди бўйлаб ўтган Чирчиқ дарёси катта аҳамиятга эга. Лекин баъзи масъулиятсиз шахслар унинг қирғоғига турли чиқиндиларни чиқариб ташлашлари натижасида дарёнинг маълум даражада ифлосланишига сабаб бўлмоқдалар.

Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси назорати тез-тез жойларда бўлишиб атроф-муҳит муҳофазаси қонунларининг қандай бажарилаётганини назорат қилиб боришади. Бу борада ўзбошимчалик билан камчиликларга йўл қўяётган корхона ва ташкилот раҳбарларига маъмурий чоралар белгилашади. Қуйида ана шундай қонунбузарлардан бир нечтасини келтираемиз.

Текшириқлар

ЭКОЛОГИЯ КУНДАЛИГИ

«Хабар-Паркент» хусусий корхонасида маиший чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқиб кетилмаган. Бунга йўл қўйган корхона раҳбари Н.Хабаровга нисбатан 7 минг сўм миқдорида жарима ёзилди.

Назоратчилар мана шундай аҳволга «Зафар ва Хасково» корхонасида бўлганларида ҳам дуч келишди ва унинг бошлиғи Ш.Тўхтамурадов ҳисобига 6 минг сўм миқдорида жарима белгилашди.

«COLORFLEX» корхонаси Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ўз фаолиятини юритиш учун рухсатнома олмаган. Бундай ўзбошимчилик унинг раҳбари И.Абдурахмоновдан 16 минг 320 сўм жарима ундириш билан яқунланди.

Шунингдек, «Иттифоқ» масъулияти чекланган жамияти ҳам Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик

«Дианор-Сервис» уй-жай мулкдорлари ширкати қарашли ҳудудда ҳам рухсатсиз дарахт кесилганлиги ҳолатига дуч келинди. Бунга йўл қўйган «Тезтаъмир» устаси В.Гальмутдинов маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 162-моддасига асосан 16 минг сўм жаримага тортилди.

«Нозирлар Мирзо Улуғбек туман ободонлаштириш бошқармаси хизматчиси В.Исмомов нисбатан ҳам 5440 сўм миқдорда жарима ёзишди. У бу жазога сўроқсиз дарахт кесилганига йўл қўйганлиги учун тортилди.

«DEMIR-Инвест» корхонасида автотранспорт воситаларидан атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларни текшириш ишлари ўз вақтида ўтказилмаган. Бу ҳолат бош раҳбар Р.Исмоилов ҳисобига 5500 сўм жарима солиш билан яқунланди.

ТУРФА ОЛАМ

Ғарбий Африкада бизнинг каптарларга ўхшайдиган, лекин ранги жуда ёрқин бир қўш яшайди. У яшил, кўк, сариқ ва қизил бўлиб товланади.

Бирок тўрако (қушни шундай аташади) сувда ёки ёмғир тағида қолиб кетди дегунча, худди ёмон бўялган газламага ўхшаб, ранглари ўча бошлайди. Айниқса, қизил бўёқ тез ўчади. Шунинг учун ҳам об-ҳавонинг қуруқ ва ёмғирли келишига қараб, қушнинг ранги хилма-хил бўлиб туради.

Австралияда ерга тушмай, бугун умри бўйи дарахт устида яшайдиган кенгурулар ҳам бор экан.

Америка боғларида ҳаёт кечирадиган шундай бир шиллиққурт борки, табият сахийлик қилиб унга 14175 та тиш берган.

Жазирама иссиқ кунда шамол мўздек ҳавони олиб келади? — Бу саволга жавоб то-

пишдан олдин яна бир фикр келади. Саволга «ҳа» деб жавоб бергудек бўлса, нега унда сайёҳлар чўлу биёбоннинг иссиқ шамолни ҳақида кўп гапиршади? Бу бир-бирига зид фикрни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Тропик иқлимда ҳаво бизнинг танамизга қараганда иссиқроқ. Шамол турганда киши салқинлаш ўринига исиб кетишига юқоридagi изоҳдан сўнг, иссиқ ажаблан-маса ҳам бўладиган ҳол. Бунда иссиқлик ҳавога инсон танасидан чиқмайди, аксинча ҳаводан танага ўтади. Шунинг учун, ҳавонинг катта ҳажми ҳар дақиқа танага тегиб туради ва иссиқликни сезиш кучаяди. Тўғри, бу ерда парланиш ҳам бор, лекин биринчи сабабининг таъсири кучли. Чўл ахли шунинг учун, масалан, туркманлар иссиқ чопон ва юнгли қалпоқлар кийиб юрадилар.

А.ОРТИКОВ

Шарқ дурдоналари

03-03 УТГАНИБ ДОМО БУЛУР...

● Кибр ва ғурурдан узок бўл. Кибр кишини орасида хор, бекад-ру беътибор қилади.

● Донолар айтадилар:

— Куйидаги тўрт нарса но-хушликни келтириб чиқаради: худ-бинлик — расволикни, серғазаб-лик — пушаймонликни, такаббу-рлик — душманликни, ношукурлик — хорликни.

● Такаббурга салом берма. Саломга жавоб қайтариш оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга малоллик келтиради.

● Худбинлик инсонни заволга, камтарлик эса камолга олиб ке-лади. Кимки худбин бўлса халқ назаридан қолади. Камтарлик эса эл орасида шараф келтиради. Эй азиз, агар инсон бўлай десанг худбин бўлма. Йўқса ўз жонингни хатарга ташлаган бўласан. Агар улуғликни хоҳласанг, камтарлик йўлини тут.

● Шайх Саъдий ҳикоя қилади:

— Боши, оёғи яланг бир кам-бағал киши Кўфа шаҳридан Ҳижоз карвони билан чиқиб бизга йўлдош бўлди. У киши: «Дунёлик-дан ҳеч бир нарса йўқлигини бил-дим», дея пиёда юриб, уйнаб ке-тарди. Туяга минган бир бой ҳали-ги камбағалга:

— Эй қаландар, қаерга кетаё-тибсан, орқангга қайт. Бу сахро-да захмат ва машаққат чекиб ўлиб кетасан, — деди. Камбағал пиёда киши бойнинг сўзига эъти-бор бермай, ўз йўлида давом этди.

Нахлан Маҳмуд деган жойга етган эдик, бойнинг ажали етиб ўлди. Камбағал пиёда киши, бой-нинг ёстиғи ёнига келиб айтди:

— Биз сахрода захмат ва ма-шаққатлар чекиб, пиёда йўл юриб ўлмадик, сен нортуя устида роҳат-ланиб, йўл боссанг ҳам ўлдинг.

Байт:

Ҳар кишининг бор эса яхши сўзи, Орттирар обрўсин албатта ўзи.

● Инсон ўзини бошқалардан ортқиб деб билмаслиги, ўзини ақли, бошқаларни ақлсиз деб тасав-вур қилмаслиги, ҳар қандай яхши ишни ўзига лойиқ ва ўзгаларга нолойиқ деб ҳисобламаслиги за-рур. Эҳтиёт бўлгинки, булар — худ-бинлик аломатларидир.

● Бир доно шундай деди:

— Риёкорлик билан қилинган яхшиликдан ҳеч кимга бидирмай, хилватда қилинган гуноҳ афзал. ХИКОЯТ.

Форс подшоҳларидан бирининг қимматбахо узуги бор эди. Бир кун сайр-томоша қилиш учун бир неча яқин одамлари билан сайил-гоҳга чиқди. Халиги қимматбахо узугини бир гумбазнинг устига қўйди:

— Кимки бу узукнинг ҳалқа-сидан ўқ ўтказса, узукни унга бе-раман, — деб ваъда берди.

Подшоҳнинг тўрт юз мергани бор эди. Улар узукка қарата ўқ уздилар, лекин биронтасининг ҳам ўқи узук ҳалқасидан ўтмади.

Уша топда бир бола ҳам том устида ўйнаб юриб, камалақдан ҳар томонга ўқ отарди. Тасодифан унинг ўқи узукнинг ҳалқасидан ўтди. Узукни унга лойиқ қўйдилар, яна кўпгина молу дўрди, инъом-эксон қилдилар.

Айтишларича, бола ёй камала-гини куйдириб ташлади. Одамлар ундан:

— Ёй камалагини нега куйдир-динг? — деб сўраган эдилар, бола:

— Қозонган эътиборим йўқол-маслиги учун ёй камалагимни синдирдим, — деди.

Булар ичида ўтган асрларда яша-ган ва ҳозирда йўқолиб кетган энг йирик ва даҳшатли йиртқич ҳайвон-лардан бири йўлбарс бўлган. Мута-хассис олимларнинг таъкидлашлари-ча, йўлбарс мушуксимонлар оиласи-га мансуб энг йиртқич ҳайвон бўлиб, унинг танаси узунлиги 2,5-3 метр, думи 1 метрдан узунроқ, оғирлиги эса 390 килограммгача боради. Бу жуда эҳтиёткор, хавфли йиртқич ҳай-вон ҳисобланиб, 2-6 тагача бола ту-ғади.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳ-лик беришича, йўлбарслар ватани фақат Ҳиндистоннинг чангалзорлари, Узок Шарқнинг қалин ўрмонлари-га эмас, балки Амударё, Сирдарё, Чирчиқ дарёлари соҳилларидаги тўқай чангалзорлар, қалин қамиш-зорларда ҳамда Туркистоннинг баъ-зи туманларида ҳам Турон йўлбарс-лари ҳаёт кечирган. Йўлбарс йирт-қич ҳайвонлар орасида энг даҳшат-ли, кучли ва эпчил ҳамда макқори ҳисобланади. Бизнинг Турон

йўлбарсларимиз ўзининг табиати ва юриш-тури-ши жиҳатидан Ҳинди-стон ва Узок Шарқда яшовчи ўз наслидан катта фарқ қилади. Йўлбарс сувдан кўркмайди, чўмилишни ёқтиради, сузишга ҳам анча уста.

Турон йўлбарси Амуд-рё билан Сирдарёнинг у киргоғидан бу кирго-ғига бемалол сузиб ўта олган. У кеча-кундуз ба-раварига ов қилаверади. Лекин бу айёр йиртқич кўпинча кун ботиши пай-тларида овга чиқишни афзал кўради. Унинг асо-сий ўлжаси ёввойи тўнғизлар, тўқай бугуси, кийик, айиқ, бўрсиқ, жайронлардир.

Шунингдек, бошқа ҳайвонларни, кемирув-чиларни, парранда ва ҳашаротларни ҳам тутиб

ейди, турли меваларни ҳам яхши истеъмол қилади. Кези келиб қо-лганда хонаки қўй ва эчкиларга ҳужум қилади. Бу йиртқич ҳайвон ерга ёпи-шиб олиб, овоз чиқармасдан ўлжа-сига яқинлашиб келади, кейин эса бирдан 5-6 метр узунликка бор кучи билан сакрайди. Бу салобатли ва макқор ҳайвон йиртқич тишларининг найзадек ўткирлиги, ҳамла қилганда ҳатто ҳўкиз белини синдирадиган даражада бақувват оёқлари, узокқа ва баландга сакраш қобилиятига эга бўлган. Турон йўлбарси ўз ўлжаси ёввойи чўчқани ёриб ташлагач, уни елкасига ўнгариб, Сирдарёнинг на-риги киргоғига бемалол олиб ўтган. Бир кекса овчининг ҳикоя қилиши-ча, йўлбарс бир қорамолни ёриб, кейин Сирдарёнинг нариги томони-га олиб ўтган экан.

XIX асрнинг 60-70-йилларида Сирдарё ва Чирчиқ дарёлари со-ҳилларидаги тўқайлар ва қамиш-зорларда йўлбарслар тез-тез учраб тургани, айниқса 1876-1877 йил-ларда Чирчиқ водийсида йўлбарс-лар кўпайиб кетганлиги ҳақида «Туркестанские ведомости» газе-таси ҳамда «Императорского обще-ства охоты» журналада, «Туркестан-ский сборник»ларда ташвишли ха-барлар тез-тез босилиб турган. Уша вақтларда Сирдарё ва Чирчиқ дарё-си ҳавзалиридаги тўқайлар ва қалин қамишзорлар «Йўлбарслар уси» номи билан машҳур бўлган. 1878 йилнинг октябрида Тошкент-дан чамаси 6 километр наридаги Нўғайқўрғон қишлоғидаги қамиш-зорда 5-6 та боласи бўлган она йўлбарс яшаганлиги ҳамда Занги-ота қишлоғининг аҳолиси эса йирт-қич йўлбарслардан безор бўлиш-гани, уларнинг сигир, қўй ва эчки-ларини бўғиб тишлаб кўтариб ке-таётганлиги ҳақидаги ташвишли хабарлар кун сайин кўпайиб борди. Жумладан, «Тигр в Хумсане», «Тигр в Чирчикской долине», «Охота за тиграми на Сырдарье», «Мантык-Истребитель тигров» каби ўнлаб

қизиқарли мақолалар ўша йиллари газета ва журнал саҳифаларида тез-тез эълон қилиниб турилди. 1879 йилнинг январиде Басқора деган жойда йўлбарслар оиласи билан (2 та қари ва 3 та ёши) қўшни хона-дон чорвасини нобуд этиб кетган-лиги бутун қишлоққа яшин тезли-гдай тарқалди.

«Кейинги йилларда Чирчиқ во-дийсининг жанубий соҳилларида ҳам йўлбарслар кўпайиб бораёт-тир»,—деб ёзади ўлкашунос ва овчи Е.Смирнов. Илгари Тошкент шаҳридан 30-40 верст узокликдаги Қурама водийсида, Корасув ариги-нинг қамишзорларида юрган йўлбарслар ҳозирда (1879й)шаҳар-га яқинлашиб, 10-15 верст нарида қамишзорда жойлашиб, аҳоли чор-васига катта зарар етказмоқда.1879 йилнинг октябрида катта йўлбарс болалари билан Чирчиқ водийсида-ги қамишзорлардан Нўғайқўрғон қишлоғига келган. Бу ердан Занги-ота қишлоғи ва Ниёзбоши томони-


Тарихий маълумотларга кўра 1877 йилнинг август ойида Қоратепа ва Тўйтепанинг чекка қишлоқларида 24 бosh турли ҳайвонларни йиртқ-ич йўлбарслар ёриб кетган. 1879 йили Бордонқўл ҳамда эски Тош-кент атрофларида ҳам йўлбарслар хонадон ҳайвонларига бир неча бор ҳужум қилган.

Йўлбарсларнинг кўпайиб кетаёт-ганлиги ҳамда уларнинг аҳоли чор-васига катта зиён келтираётганлиги-дан ташвишланган мустамлака ҳуку-мат раҳбарлари дарҳол бунинг ол-дини олиш чораларини кўра бош-лади. Жумладан истеъфога чиққан рус зобитларидан ташкил топган мах-сус овчилар ғуруҳини тузиб, улар-ни ўқотар қурол, ўқ-дори, ханжар билан таъминлаб, йўлбарслар катта зиён келтираётган жойларга са-фарбар қилди. Айни бир вақтда XIX асрнинг 80-йилларида тажрибали овчи Е.Смирнов «Йўлбарслар уси» ҳисобланган Сирдарё ва Чирчиқ да-рёлари соҳилларида ов қилиш учун

Воҳамиз табиати тарихидан

ЙЎЛБАРСЛАР ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАГАНМИ?

Ўзбекистон ўзининг бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиати билан Ўрта Осиё давлатлари орасида салмоқли ўрин эгаллайди. Ўлкамиз-да гепард, илбирс, бўри ва чияўрилар, тулки, ёввойи чўчқа, айиқ, тоғ қўйи ва та-каси, бўрсиқ, жайрон ва бошқа ҳайвонлар яшайди.



даги қамишзорга ҳам ўтиб турган. Кўриниб турибдики, йўлбарслар ўзларига ўлжа излаб тобора Тош-кент шаҳри атрофларига яқинлаш-ган. Йўлбарсларнинг кўпи куз ва қиш ойларида Зангиота қишлоғи атрофларидаги қалин қамишзор-ларда яшаган. Маҳаллий аҳолининг гапларига қараганда бу ердаги йўлбарслар овчиларга бир неча бор ҳужум қилиб, оғир ярадор қилган. 1878 йилнинг кузида Ниёзбек қалъ-аси атрофида ёввойи чўчқа овлаш-га чиққан овчилар Ергазин ва Ло-мовскийлар тўсатдан йўлбарсга дуч келиб қоладилар. Овчи Ломовский шовилинч милтигини тўғрилаб йўлбарсни отмоқчи бўлганда, йиртқич унга ташланиб ярадор қил-ган. Иккинчи овчи Ергазинга ҳам йўлбарс ташланмоқчи бўлиб шай-ланганда уни кўкрагидан отган ва йиртқич йиқилган. Оғир аҳволда ярадор ётган овчи Ломовский Ер-газинга қараб, «ётган йўлбарсга яна ўқ уз»,—деб қичқирган, йўлбарс ўрнидан туриб яна Ломовский то-мон кела бошлаган, овчи Ергазин томонидан кетма-кет отилган кучли ўқ зарбидан йиртқич жон таслим қилган. «Кейинги тўрт йил (1876-1880) ичида мен тўплаган маълумот-ларимга кўра Сирдарё соҳилларида ҳамда Чирчиқ водийсида йўлбарс-лар сони анча кўпайган. Буни ма-ҳаллий аҳоли ўй ҳайвонларининг кун сайин кўплаб йўқолиб ва нобуд бўлаётганлигидан ҳам билс бўла-ди»,—деб ёзади «Сирдарё тўқайзор-ларида йўлбарс ови» мақоласининг муаллифи Е.Смирнов. Унинг ёзи-шича Сирдарё тўқайзорларидаги йўлбарслар 1878 йилдан бошлаб Чиноз, Янгийўл, Тўйтепа, Нўғайқў-рғон ва Зангиота қишлоқлари ат-рофларидагача аста-секин силжиб кела бошлаган. Ҳатто улар аҳён-аҳёнда Тошкент шаҳри Бешёғоч да-ҳасидаги боғларгага ўтиб турган. Йўлбарслар Тошкент вилоятининг чекка овулларидаги хонадон ҳай-вонларига ҳам катта зарар етказган.

«Маҳаллий овчилар жамияти»ни тузиб, унга аъзо бўлганларни йирт-қич йўлбарсларни овла-шга шайлади. Овчи отган ҳар бир йўлбарс боши учун 15 сўмдан (ўша пайтда бир катта қўй 2-2,5 сўм баҳолан-ган) мукофот белгилан-ган, отилган йўлбарс те-риси овчига берилган. Ана шу пайдан бошлаб йўлбарсларга шиддатли ҳужум бошланган.

Рассом В.Верешчагин Сирдарёнинг оқори қис-мидаги тўқай ва қалин қамишзорларда йўлбар-слар кўпчилигини эслатиб, бир қазак ов вақтида ўн иккинчи йўлбарсни отиб, ярадор қилган, ле-кин йўлбарс овчи қазак-га ташланиб уни ёриб ташлаганлигини айтди.

Йиртқич йўлбарсларга қиргин келтиришда ма-рғулий овчилардан Масакбой, Қодир овчи, Хўжабой, Тўлан, Мантикбой, Сафар ҳамда рус зобитларидан Н.Хорошин, Д.Зацепин, М.Григорь-ев, Е.Смирнов, В.Коваленколарнинг хизматлари айниқса катта бўлган. XIX асрнинг охири XX аср бошлари-да Оренбург—Тошкент темир йўли-нинг қурилиб ишга туширилиши бил-лан ўлкада ахвол ўзгарди. Турли то-монлардан кўчиб келганлар ҳисоби-га аҳоли сони ўсди, атрофлардаги ерлар ўзлаштирилиб, тўқайзор ва қамишзорлар аста-секин қамая б-рдди, айни бир вақтда яхши қуроллан-ган тажрибали овчилар кўпайди. Йўлбарсларнинг асосий овкати (озуқаси) бўлган ёввойи чўчқа, тўқай бугуси, кийик, айиқ, бўрсиқ, жайрон ва бошқа ҳайвонлар кескин қамайиб кетди. Шу сабабдан бўлса керак, яшашга тўқай ва қамишзор, овқатла-нишга эса озуқа бўлмагач йўлбарс-лар бошқа макон, панароқ жойлар излаб, турли томонларга кета бош-лаганлар. Лекин йўлбарсларнинг ай-римлари тоғ ва ўрмонлардан бош-пана топиб, кечалари қишлоқ хо-надонларига яқинлашиб, аҳён-аҳён-да чорва молларига ҳужум қилиб тур-ган.

Йўлбарсларнинг узокларга кетиб қолиши овчиларнинг овига, дарома-дига анча пўтур етказган бўлса, айни пайтда йўлбарс териси билан чийқ-овчилик қилувчилар учун бирмунча фойдали бўлган.

Рус рассоми В.Верешчагин 1867 йили Тошкент бозоридан катта йўлбарс терисини 12 сўмга харид қилганлигини ёзади. Кейинроқ 1880 йилларга келиб, катта ва чирой-ли йўлбарс териси 50-75 сўмгача баҳоланган. 1890-1900 йилларга ке-либ, йўлбарс терилари баҳоси бир неча марта кўтариллиб, 100-150 сўмгача баҳоланган. Терилар баҳо-сининг бунчалик тез кўтарилишига сабаб ўлкамизда тўқай султони—йўлбарсларнинг қамайиб, аста-секин йўқ бўлиб кетганлигидир.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ

Мамловлар

«FAZALXON ЁШЛИГИМ»

Яқинда Муқимий номидаги муסיқали драма театрида улғу шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Навоийхонлик» ружини остида «Фазалхон ёшлигим» деб номланган кўрик-танловнинг якуний шахар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шахар Халқ таълими бош босқармаси томонидан ташкил этилган ушбу танловда сўзга чиққанлар фазал мулкнинг султони Алишер Навоий асарларида меҳр-мурувват талқинини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Жумладан Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбар ўринбосари Султонмурод Олим Алишер Навоий давлат арбоби сифатида ўз тасарруфидаги бойликлари ва маблағининг кўп қисмини фақир-муҳожирлар эҳтиёжига, бир қанча жамоат иншоотлари ва бинолари қурилишига сарф қилганини таъкидлади.

Танловда шахримиздаги барча туманларда ўтказилган «Фазалхон ёшлигим» кўрик-танловининг голиблари иштирок этди. Ўқувчилар ушбу танловда уч шарт бўйича яъни, фазал ёки монолог айтиш, бахру байт ҳамда сахна кўриниши орқали ўз билим ва маҳоратларини синанди.

— «Фазалхон ёшлигим» кўрик-танло-

вининг доимий иштирокчисиман ва бу тadbирга ҳар йили катта тайёрларлик кўриб келаман, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 320-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Сарвар Абдулазизов. — Зеро, буюк боболаримиз асарларини ўрганиш, уларда айтилган сўзларга қараб иш тутиш бизнинг бурчимиз. Хусусан, буюк шоир Алишер Навоий ижод намуналарида инсонни дунёнинг энг олий қадрияти сифатида тушунилганлиги акс этади. Шу боисдан кўрик-танловда қатнашиш истаги менда доимо мавжуд.

Кўрик-танловда биринчи шарт бўйича Ҳамза тумани ўқувчилари, иккинчи шарт бўйича Шайхонтоҳур ва учинчи шарт бўйича эса Юнусобод туман ўқувчилари голибликни қўлга киритишди. Танлов голиблари шахар халқ таълими бош босқармасининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Юлдуз УСМОН

Юртимизда баҳор нафаси уфурмоқда. Жойларда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, кўчаю хиёбонлар ва маҳаллаларни саранжом-сарийшталашга оид юмушлар бошланиб кетди. Шу кунларда пойтахтимиздаги Манзарали боғдорчилик ва гулчилик давлат хўжалиги ишчиларининг ҳам кўли-қўлига тегмайди.

Ҳар бир ниҳол эътиборда бўлади

Хўжалик раҳбари Абдулазиз Муҳримовнинг айтишича, пойтахтимизда бу йилги кўкаламзорлаштириш ишларига одатдагидан кенгроқ эътибор берилмоқда. Сабаби - пойтахт ҳокимлиги ташаббуси билан «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида шахримизда ободонлаштириш, кўчат ўтқазиш ишларига оид алоҳида чора-тадбирлар белгиланган. Пойтахтимизнинг ўн бир туманидаги ҳар бир кўчанинг ўзига хос томонлари, яъни салқин ёки серофтоблигини назарда тутган ҳолда муайян турдаги гуллардан экиш режалаштирилган. Баҳорги мавсумда фақат гул кўчатининг ўзидан 2 миллион 700 минг туп экилади. Булар кузгача яшнаб турувчи гултожиҳўроз, сальвия, картошкатул, бегония каби ўттиз хилдан ортик чечаклардир.

Кўклам - дарахт экиш мавсуми. Шу боис эман, мажнунтол, терак, заранг каби манзарали дарахтларнинг 130 мингга яқин кўчати экишга тайёрлаб кўйилди. Тураржой мавзелари, даҳалар, ма-

ҳалларда экиш учун олма, беҳи, шафтоли, нок каби 10 минг тупдан зиёд ниҳол етиштирилди. Боғ ва хиёбонларга бутасимон ўсимликлар алоҳида гўзаллик бахш этади. Шунинг учун настирин, атиргул, яланггул каби бутасимон ўсимликлар кўчатидан 80 минг тупи жойларга жўнатилади.

Мамлакатимизда ландшафт дизайни, яъни кўча ва хиёбон, йўлакларни ўсимликлар ёрдамида дид билан безашга эътибор кучаймоқда. Шу сабаб хўжаликда ўн минг квадрат метрдан зиёд майдонга мўлжалланган майса етиштирилди.

Дарахт ва гуллар нафақат гўзаллик рамзи, балки атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, автомобиль шовкинни камайитиришда ҳам муҳим омилдир. Шу боис катта меҳнат эвазига етиштириладиган ҳар бир ниҳолнинг униб-ўсиши, парвариши алоҳида эътиборда бўлади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



**«ИПАК ЙЎЛИ» БАНКИ ЁРДАМИДА
АВТОМОБИЛНИ ЯРИМ БАҲОСИГА ХАРИД
ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН!**

**БАҲОРНИ ШАХСИЙ МАШИНАЛИ
БЎЛГАН ҲОЛДА КЎТЎВ ОЛИНГ!**

*Машиини ва компьютер-техникаси, мебель,
автомобилни харид қилиш учун истеъмол
кредитини олиш имкоиятини бой берманг!*

Бунинг учун Тошкент шахридаги қуйидаги манзилларга мурожаат қилинг:

Фарҳод кўчаси,
12-А уй. (Метронинг «Чилонзор» бекати)
116-19-91,
76-86-33.

Ҳ.Олимжон майдони, 5-уй.
(«Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғи рўнарасида)
133-67-80,
133-69-66.

Ўрикзор даҳаси
(Карвон-бозор)
170-95-21,
170-63-11.



**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

Тошкент шахар, Собир Раҳимов туманидаги 5-сонли давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унда қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида шахар Адлия босқармасига мурожаат қилишлари лозим.

Спорт

ДЗЮДОЧИЛАРИ-МИЗ ГАМБУРГДА

Германиянинг Гамбург шаҳрида дзюдо бўйича сулер «А» туркумига кирувчи халқаро турнир бошланди. Шуниси аҳамиятлики, етти вази тоифасида ташкиллаштирилган, жаҳоннинг кучли спортчилари иштирок этаётган ушбу турнирда мамлакатимиз дзюдо усталари ҳам голиблик учун кураш олиб боришмоқда. Мусобақалар 28 февралга давом этади.

БАЙРАМИНГ МУБОРАК, МҲСК

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган МҲСК спорт клуби ташкил этилганлигига 11 йил бўлди. Спортнинг турли йўналишларида ҳарбий спортчиларга сеvimли маскан сифатида хизмат қилаётган ушбу клубда бачча шаритлар муҳайё қилинган.

Шу боисдан ҳам халқаро ва маҳаллий мусобақаларда МҲСК клуби аъзолари муваффақиятли иштирок этишиб совричли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Дарвоқе, ёзда Греция пойтахти Афина шаҳрида ўтайдиган олимпияда беллашувларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларимизнинг кўпчилигини МҲСК клуби аъзолари ташкил этишини ҳисобга олганда ушбу спорт маскани ёшларнинг жисмоний соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишларига катта ҳисса қўшаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Яна бир гап, клубда нафақат ҳарбий, балки маҳаллий спортчилар ҳам турли спорт йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини ошириб боришлари мумкин. Қўни кеча клуб аъзолари, спорт фахрийлари ва жонқурлари иштирокида МҲСКнинг 11 йиллиги муносабати билан ташкиллаштирилган йилгилиш байрамони ружда ўтди. Ушбу тадбирда йилгиланлар клубининг спортимиз ривожига қўшаётган ҳиссасини эътироф этишди.

МЕХР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Меҳрга ташна ногирон болаларнинг ҳаётида ўз ўринларини топишларига имкон яратиш мақсадида Шайхонтоҳур туманида стол тенниси бўйича уюштирилган турнир Меҳр ва мурувват йилига бағишланди.

«Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлими ҳамда стол теннис федерацияси ҳамкорликларида ташкил этилган мусобақада тумандаги ёрданчи мактаб ва мактаб-интернатларининг 60 нафар тарбияланувчилари голиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Қизиқarli ва мурасасиз ўтган стол тенниси беллашувлари якунида барча қатнашчиларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Й. Охунбобоев номли Республика тиббиёт коллежи маъмурияти коллеж услубчиси Дилора Ҳасановна Мансурова ва ўқитувчи Динара Ҳасановна Муҳитдиноваларнинг падари бузруквори Ҳасанжон Саидхонвич

МАНСУРОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Авалло шуни таъкидлаш жоизки, бу сув ҳавзаларини бошқа ердан ўзга одамлар келиб ифлослантираётгани йўқ. Атроф-муҳитимиз тозалигидан бошқалар эмас, фақатгина ўзимиз манфаатдормиз. Биз истиқомат қиладиган Акмал Икромов туманида асосан иккита катта ва бир нечта кичик очик сув ҳавзалари мавжуд бўлиб, Бўзсув канали тева-рагида жорий йил назорати натижасида 50 дан ортиқ ифлослан-тирувчи манба топилди. Булар 35 та хонадондан ноқонуний чиқариб қўйилган ифлосланган оқава сувлар, 10 та ҳожатхона, 5 та турли чиқиндилар ташланган жойлар ва бир қанча қонунга хилоф ра-вишда ўзбошимчилик билан куриб олинган молхона ёки бошқа ҳайвонлар боқиладиган жойлардир. Туман ҳокимлигида махсус комиссия ташкил этилган бўлиб, бу муаммолар ҳар йили ўрганилади, айбдорларга нисбатан Давлат санитария назорати ва ИИБ томонидан жарималар солинади, ноқонуний иншоотларнинг аксарияти буздириб ташланади, кимларнингдир ишлари судга топширилади. Натижада масала статистика рақамларида бироз камайсада, сувнинг ифлосланиши тўлиқ бартараф этилмади.

Ҳақиқатан ҳам нима қилиш керак? Яқинда дўстларимдан бири бир воқеани гапириб берди. Шу дўстимнинг ўғиллари уйдаги канализация тармоғига турли чиқиндиларни ҳам ташлашар экан, ота сифатида бир неча бор танбех берибди, оғохлантирибди, лекин самараси бўлмабди. Бир куни оқава сувлар тармоғи ти-

кин-ку. Хонадонлардан оқиб чикувчи оқава сувлар муаммосини ота-боболаримиз канализация бўлмаган даврда ер ўралари қазиган ҳолда ҳал этишганку! Бу жазо-жарималарга қараганда кўпроқ самара беради, деган умиддаман. Шу боисдан ҳам жорий йилда аниқланган 50 дан ортиқ ифлослан-тирувчи манбаларни бартараф этиш мақсадида тумани миздаги «Оқтепа» Саккокий, «Янгиобод» ва «Пахтакор» маҳаллалари оқсоқолларига, «Карвон» бозори раҳбарияти, УЖИЧНБ (БТИ), туман «Маҳалла» жамғармаси раиси ва туман ҳокимлиги-га расмий таклиф киритдик.

Ҳадемай, баҳор эшик қоқиб келади. Қолаверса Наврўз байрами нишонланади. Бу даврда маҳаллаларда аҳолини оммавий ҳашарга жалб этиб, ўзимиз ташлаган чиқиндилар ва бошқа кераксиз нарсалардан фориғ этиш йўллари бугундан ўйлаб ҳаракат қилсак, мақсадга мувофиқ бўлмасмикан? Бу ҳал бўладиган муаммо бўлибгина қолмай, қолаверса хайрли, савоб иш эмасми? Бунга сиз муҳтарам маҳалла оқсоқоллари нима дейсиз?!

А. САРИМСОҚОВ,
Акмал Икромов туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач.

Муносабат

ОЗОДАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар ҳудудидаги очик сув ҳавзалари масалаларига оид муҳокама бўлиб ўтди ва мавжуд камчиликларга барҳам бериш юзасидан зарур чора-тадбирлар белги-ланди. Умуман бир қарашда бу масала ҳар йили муҳокама этилиб, турли қарорлар қабул қилинади. Қатор ташкилотлар талайгина иш-ларни амалга оширишади. Натижада сув муҳофазаси бир мунча таъ-минлансада, кўзда тутилган муаммо узил-кесил ҳал этилмай қол-моқда. Бундан-да ёмони янги ифлослантирувчи манбалар қайта-дан пайдо бўлмоқда. Назаримизда муаммо аслида долзарб бўлса-да, одамларнинг асабига тегиб, одатдаги сийқаси чиққан ҳолатга айланиб қолмоқда.

қилиб, сассиқ ифлос сув хонадон ичидан тошиб чиқибди. Ўғиллар ерни қавлаб, тармоқни очиб, тики-либ қолган нарсаларни олиб, оқава сувларининг равонлигини анчагина машаққат билан таъминлашибди. На-тижада ҳозир дўстимнинг фарзанд-лари жуда эҳтиёткор бўлибгина қол-май, оиланинг бошқа аъзоларига ҳам шу масала борасида танбех беради-ган бўлишибди. Маълумки, Ўзбеки-стонда ҳеч бир мамлакатда мавжуд бўлмаган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизими—маҳаллалар таш-кил этилган. Маҳаллалар аҳлини ҳашарга чақириб ўзлари яшайдиган ҳудуддаги ариқни шу аҳоли ташла-ган чиқиндилардан тозалатиш мум-

хотирасига бағишланган 6-халқаро турнирда барча рақибларидан ус-тун келган ҳолда голиб чиқишди. Бундан ташқари, 2003 йилда Қо-зогистон Республикасининг Жам-бул вилоятида ташкил этилган хал-қаро мусобақаларда иккинчи, Бу-хородаги турнирда эса учинчи ўринларни эгаллашди.

Бир сўз билан айтганда, «Интил-ганга омад ёр», деганларидек тин-имсиз меҳ-нат ва маш-қлар орти-дан муваф-фақиятлар келавера-ди. Ёш фут-болчи ва боксчилар энг сеvimли байрам-ларимиз — Мустақил-лик ва Наврўз кун-лари ҳам о м а в и й кўргазмали

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЁШ СПОРТЧИЛАР

Бектемир туманидаги 24-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спорт-ни сеувчи болажонлар катта қизиқиш ва кувонч билан тўғарақларга шуғулланиш учун мелишади. Айниқса бокс ва футбол тўғарақларига бо-лалар ўртасида қизиқиш катта.


Ушбу секцияларда тажрибали му-раббийлар доимо ўз билим-маҳорат-лари сирларини ёшлар билан ўртоқлашадилар, бирор бир усул ёки зарбани қай тариха бериш ке-раклигини эринмай тушунтиради-лар. Болалар хатога йўл қўйганла-рида эса уни изоҳлаб, тузатиш йўлларини ўргатиб борадилар.

Шуниси қувонарлики, масалан, бокс тўғарақининг аъзолари эриш-ган ютуқлари билан фахр-ланса арзий-ди. Чунончи, Баймуҳан Ате-мов ўтган йили Наман-ганда Парпи Отахўжаев хотирасига бағишланган ўтказилган халқаро тур-нирда голиб чиққан бўлса, шу йили Чим-кентда ўтка-зилган мусо-бақада Боймурод Аширбоев ҳам хур-мат шохсупасининг энг юқори по-гонасидан жой олди. Баҳодир Тўйбо-ев эса ўтган йили Ҳовос шаҳрида ўтказилган «Локомотив» жамияти би-ринчилигида голиблар сафини бо-шқарди.

Ёш футболчиларнинг ғалаба сари интилишлари ҳам таҳсинга лойиқ. 24-БЎСМда тарбияланаёт-ган бўлғуси чарм тўп усталари ўтган йили Геннадий Красницкий

чиқиларда иштирок этиб, ўз ма-ҳоратларини намоён қиладилар. 24-БЎСМда спорт сирларини ўрганаётган ёшлардан яқин келажа-да спортимиз шарафини оламга ёвчи профессионаллар етишиб чи-қишига эса ишончимиз комил.

Дамир ИСМАТОВ.
СУРАТДА: спорт мактабининг ёш боксчилари машгулот пайтида. Алексей Попов олган сурат.



«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН»

Шаҳримиздаги Тошкент банк коллежида оилавий жамоалар ўртасида бўлиб ўтган тур-нир «Отам, онам ва мен» деб номланди. Со-бир Раҳимов туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Ка-молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳал-ла» хайрия жамғармаларининг туман бўлим-лари ҳамкорликларида ташкил этилган му-собақа спортнинг бир нечта турлари бўйича уюштирилди. Қизиқarli, кескин курашларга бой кечган баҳслар якунида туманда яшовчи Бўрибоевлар оиласи биринчи ўринни қўлга киритди ва мутасаддилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.



Сўзсиз сурат. Абдурашул Ҳакимов чизган расм.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

5576 нускада босилди. Қўғоқ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашир етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларга почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.